



Korxonona boshqaruvi fani

Bajardi : Xusanova G.S

6-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмалари

1.

- **Инфратузилманинг моҳияти. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаси турлари.**

2.

- **Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда банкларнинг роли. Банклардан кредит бериш тартиби.**

3.

- **Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш, улардан олинадиган солиқ турлари ва солиқ имтиёзлари.**

4.

- **Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ахборот билан таъминлашни ташкил этиш**

1. Инфратузилманинг моҳияти. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаси турлари.

Р е с п у б л и к а м и з д а к и ч и к тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ. Кичик тадбиркорлик ривожига қулай имконият яратувчи шарт-шароитлар орасида инфратузилма хизматини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.

Инфратузилма

- иқтисодий тизимнинг бир қисмини ташкил этиб, у ишлаб чиқаришнинг бир маромда фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Инфратузилма

- сўзи лотин тилидан (infrastructure) таржима қилинганда "тузилмадан ташқарида" маъносини англатади. Иқтисодий нуқтаи назардан инфратузилма моҳиятига қуйидаги изоҳ кўпроқ мос келади: "инсон ҳаёти ва ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида фаолиятлар алмашинуви таъминловчи товар ва хизматлар яратишда ўзига хос меҳнат жараёнлари мажмуаси".

Инфратузилма томонидан яратиладиган шароитларни ўз навбатида қуйидагича туркумлаш мумкин

бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи моддий техника таъминоти ва тайёр маҳсулотни сотиш, ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш, бухгалтерия хизмати. Технологик, бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизмати ва бошқалар

ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш шарт-шароитлари ишчи ва хизматчиларнинг соғлиғини, таълим олиши ва касбий тайёргарлиги, дам олишларини қўллаб-қувватлаш

Бозор инфратузил маси

- бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи тармоқларни ўз ичига олади. Яъни юк транспорти, электр, газ ва сув таъминоти, омбор хўжалиги, алоқа, ахборот, моддий-техника таъминоти, маҳсулотни ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш, техник хизмат кўрсатиш, маркетинг ва реклама, ахборот-маслаҳат, аудиторлик, молия-кредит ва инвестицион каби хизмат турлари киради.

Ижтимоий инфратузилма

- ишлаб чиқариш жараёнида ишчи ва хизматчиларга нормал меҳнат фаолияти яратиш ва ишчи кучини такрор ҳосил қилиш, шунингдек тадбиркорларнинг турли маиший хизмат турларига талабини қондириш учун хизмат қилади.

Институционал инфратузилма

- иқтисодиёт ривожланишининг оптимал макроиқтисодий нисбатларини қўллаб-қувватловчи ва тартибга солувчи соҳалар фаолият турларини ўз ичига олади. Унга иқтисодиётни тартибга солиб турувчи давлат ва нодавлат бошқарув органлари ва бошқалар киради.

Турли хил инфратузилмалар тизими

Бизнес-мактаб

- тадбиркорлар, кичик корхоналарнинг раҳбарлари, кичик корхоналар учун мутахассислар, ишсизлар, ўз ишини очмоқчи бўлган бошқа фуқаролар, кичик тадбиркорликнинг ривожланиши учун масъул хизматчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи тузилма.

Ўқув-амалий марказлари

- кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бозор иқтисодиёти учун кадрлар тайёрлашнинг кенг миқёсли дастурини амалга оширувчи тузилма.

Бизнес-инкубаторлар

- махсус танлаб олинган кичик корхоналарни ўз майдонларига жойлаштирувчи ва уларга маслаҳат, ўқитиш ва офис хизматларини кўрсатувчи тузилмалар.

Ижтимоий-амалий марказ

- иш билан банд бўлмаган аҳоли ва ишсизлар ўртасида кичик тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш билан шуғулланувчи, одатда бандлик марказлари қошида ташкил этилувчи тузилма.

Технопарк

- ўз ҳудудида кичик инновацион корхоналарни яратиш ва ривожлантириш орқали илмий салоҳиятдан фойдаланиш ва ишлаб чиқилган технологияларни тижоратлаштириш мақсадида ташкил этилувчи тузилма.

Бизнес-марказ

- тадбиркор ва ишбилармонларга сервис хизматлари кўрсатувчи тузилма.

Консалтинг

- ишлаб чиқаришга иш юзасидан хизмат кўрсатиш соҳасида ихтисослашган фирмаларнинг ўз миждозларига маслаҳат хизмати кўрсатиш ва техникавий лойиҳаларни экспертиза қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият.

Аудиторлик компанияси

- турли йўналишдаги фирмаларнинг бозор ва бизнес соҳасидаги имкониятларини аниқлаб берувчи молия-хўжалик фаолиятини ялпи тафтиши билан шуғулланувчи муассаса.

Суғурта компанияси

- суғурталовчи ролида майдонга тушувчи, яъни суғурта ҳодисаси рўй берган чоғда суғурталанган шахснинг зарарларини қоплаш мажбуриятини ўзига олувчи ташкилот.

КБТ субъектларини қўллаб қувватловчи давлат дастурларининг ижро этувчи органлари:

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси марказий банки

Ўзбекистон Республикаси ТИА ва И вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси товар хом ашё биржаси

Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси

Ўзбекистон Республикаси савдо саноат палатаси (ССП)
КБТ субъектларини қўллаб қувватлайдиган ташкилот.

Палатанинг мақсади ва вазифалари:

- янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришда тадбиркорларга ёрдам бериш;


- махсулот ва хизматларни ташқи бозорларга олиб чиқишда амалий ёрдам кўрсатиш;

- тадбиркорлик субъектларига хорижий инвесторларни жалб қилиш.


2004 йилда ССПга 210 тадбиркорлар аъзо бўлган бўлса ҳозирги кунда уларнинг сони 28 мингдан зиёд.

2. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда банкларнинг роли. Банклардан кредит бериш тартиби.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг асосий фаолияти банклар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар олиб бораётган фаолият хомашёни сотиб олиш, ишлаб чиқарилган товарлар, кўрсатиладиган хизматларга ҳақ тўлаш, ишловчиларни иш ҳақи билан таъминлаш, турли тоифадаги корхоналар, фирма ва бошқалар юридик шахслар билан бўладиган иқтисодий муносабатлар, яъни олинган фойда ва даромаддан солиқ тўлаш, транспорт, коммунал хизматлар учун тўловларнинг барча турлари банклар орқали, ўз навбатида, олинадиган кредитлар ва бошқа ҳисоб-китоблар ҳам банклар орқали амалга ошади.



Тадбиркорларнинг банклар билан бўладиган операцияларида кўпгина эркинликлар берилганлиги шунда намоён бўладики, хусусий тадбиркор ўз жамғармасини Ўзбекистоннинг турли банкларидаги ўз ҳисоб счётида сақлаш, кредит ва касса операцияларини бажариш ҳуқуқига



Банклар билан тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларда амал қилаётган қонун ва шартномаларга асосан пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоблар олиб бориш мумкин.



Банклар тадбиркор счётида пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа муҳим аҳамиятга эга ҳужжатларни сақлашни кафолатлаб беради.

Кредит фаолияти билан шуғулланадиган давлат ва нодавлат ташкилотлар сони (01.01.2014 йил ҳолати)

№	Кредит фаолияти билан шуғулланадиган ташкилотлар номи	Сони
1	Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари	858
2	Микрокредит ташкилотлар	32
3	Ломбардлар	45
4	Лизинг команиялар	73
5	Аккредитация қилинган чет эл бошқарув ваколатхоналари	6
	Жами	1004



Қонунчиликда микрокредитлар олишнинг иккита асосий тартиби белгилаб қўйилган:

- юридик шахс бўлган кичик бизнес субъектлари

- юридик шахс бўлмай ўз фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари.

Микрокредлар икки йўналиш бўйича берилади:

- дастлабки (бошланғич) капитални шакллантириш учун;
- бизнесни ривожлантириш (кенгайтириш) ва айланма маблағларни тўлдириш учун.

Микрокредит олиш учун банкга қуйидаги хужжатлар тақдим этилади:

- ариза (кредитнинг мақсади, миқдори, муддати, фоиз ставкаси, таъминот).

- кредитга буюртма (банкнинг шакли бўйича);

- таъсис хужжатлари (Устав, таъсис шартномаси, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақида гувоҳнома, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун берилган лицензия, кредит олиш учун таъсисчилар йиғилишининг баённомаси, директор паспорти ва буруқнинг нусхаси);

- бизнес-режа;

- охириги ҳисобот йилининг бухгалтерия баланси (форма №1);

- дебитор и кредитор қарздорлик ҳақида маълумотнома (форма №2а);


- молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (форма №2) (деҳқон хўжаликларидан ташқари);

- микрокредитнинг қайтарилиши таъминланиши билан боғлиқ ҳужжатлар.

Лизинг муносабатлари


Олди-сотди шартномаси

Лизинг
берувчилар




Ускуна
сотувчи

Лизинг
шартномаси



Ускунани
келтириш



Лизинг олувчи

Ўзбекистон Республикасида лизинг ташкилотлар таркиби

№	Ташкилот номи	Улуши, %	Сони
1	Банклар	26,3	26
2	Лизинг компаниялар	73,9	73
	Жами	100	99

ТОП -5 Лизинг ташкилотлари

№	Компания номи	Банк номи
1	Узқишлоқхужаликмашлизинг	Асака банк
2	Узавтосаноат Лизинг	Ипотека банк
3	Узмелиомашлизинг	Микрокредитбанк
4	Курилиш лизинг	Турон банк
5	Ўзбек Лизинг Интернешнл	Траст банк

“Intensive capital mikrocredit tashkiloti” хизмат турлари

Кредит турлари	Муддати	Микдори	% ставка
Жисмоний шахсларга			
Қисқа муддатли микроқарз	1 йилгача	ЭКИХнинг 100 баробаригача	25-36
Узоқ муддатли микроқарз	1 йилдан 3 йилгача	ЭКИХнинг 100 баробаригача	20-25
Юридик шахс ва тадбиркорларга			
Микрокредит	1 йилдан 5 йилгача	ЭКИХнинг 1000 баробаригача	18-36
Микролизинг	1 йилдан 5 йилгача	ЭКИХнинг 1500 баробаригача	20-25

3. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш, улардан олинадиган солиқ турлари ва солиқ имтиёзлари

Мулк шаклларида қатъий назар, барча корхоналар Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар, бирлашма ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги қонунига мувофиқ давлат ва маҳаллий бюджетларга солиқлар тўлайдилар.

Солиқлар, аввало, давлатнинг вазифаларини молиявий маблағлар билан таъминлаш зарурлигидан келиб чиқади.

Кичик бизнес субъектларига қўлланиладиган солиққа тортиш тартиблари

Умумбелги
ланган
тартибда

ёки

Соддалашт
ирилган
тартибда

Барча солиқлар ва
мажбурий тўловлар
(23 модда Узб. Рес. СК)

Ягон солиқ сўловлари
(348 модда Узб. Рес. СК)

Солиқларга қуйидагилар киради:

юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи

қўшилган қиймат солиғи

акциз солиғи

ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

Маҳаллий солиқ ва йиғимларга қуйидагилар киради

мол-мулк солиғи

ер солиғи

автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ

савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари

юримдик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим

автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим

ободончилик ишлари учун йиғим

ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун йиғим

бошқа маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йиғимлар

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби:

- ягона солиқ тўлови;

- ягона ер солиғи;

- тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар қуйидагилардир:

- 1) микрофирмалар ва кичик корхоналар;

- 2) ходимларнинг сонидан қатъи назар:

- савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;

- лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахслар.

3) оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) — якка тартибдаги тадбиркор.

Ягона солиқ тўлови қуйидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилмайди:

- акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар;

- маҳсулот тақсимотида оид битимлар иштирокчиси бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналарга.

Унутмаслик лозимки, тадбиркор солиқ тўловчи сифатида бир тартибдан иккинчи тартибга ўтмоқчи бўлса, қуйидагича амалга оширилади:

Фаолият кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш учун кейинги ҳисобот даври бошланишига камида бир ой қолганда, янги ташкил этилган микрофирмалар ва кичик корхоналар эса, давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмасдан солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органини ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ёзма равишда хабардор этади.

Солиқга тортиладиган объект



Воситачилик ва топширик шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар

Ялпи даромад

Кўрсатилган хизматлар учун ҳақ суммаси

Тайёрлов ташкилотлари

Ялпи даромад

Реализация қилинган товарларнинг харид қиймати билан сотиш қиймати ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилган ялпи даромад

Лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида юридик шахслар

Ялпи даромад

Ўйин чипталарини уларда кўрсатилган нарх бўйича тарқатишдан тушган тушум

Қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

1) устав фондига олинган ҳиссалар, шу жумладан акцияларни (улушларни) жойлаштириш баҳосининг уларнинг номинал қийматидан (дастлабки миқдоридан) ортиқ суммаси, оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштириладиган маблағлар;

2) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилаётганда, шунингдек тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари ўртасида тақсимланаётганда устав фондига ҳиссалар доирасида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкӣ ҳуқуқлар);

3) реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олдиндан ҳақ тўлаш (бўнак) тариқасида бошқа шахслардан олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар);

4) мулк ҳуқуқи уларга ўтган пайтга қадар мажбуриятларни қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлаш сифатида гаров ёки закат тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар);

5) бюджетдан берилган субсидиялар;

6) олинган грантлар ва инсонпарварлик ёрдами;

7) суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;

Солиқ солинадиган база

Қуйидагилар чегириб ташланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ялпи тушум солиқ солинадиган базадир:

- давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;

- тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар тариқасида олинган даромадлар;

- ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар. Мазкур даромадларга улар қайси даврда пайдо бўлган бўлса, ўша даврдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ўтказилган ҳисоб-китоблар инобатга олинган ҳолда солиқ солиниши керак;

- кўп оборотли қайтариладиган таранинг қиймати, агар унинг қиймати товарларни (ишлар ва хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг таркибига илгари киритилган бўлса;

- маҳсулот етказиб берувчиларнинг сийлови (скидка) тариқасида ва асосий воситаларни тугатишда уларнинг илгари қайта баҳолашлардаги қийматининг камайиши суммасидан ортган қисми ҳисобига олинган бошқа даромадлар.

Имтиёзлар

Ягона солиқ тўловини тўлашдан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941—1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этадиган юридик шахслар озод қилинади, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти ҳамда лотереялар ташкил этиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно.

Якка тартибдаги тадбиркорлар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан бошлаб 12 ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилади.

Ягона солиқ тўловини тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ тўловчилар умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтилган биринчи чорак учун юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳамда мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашдан озод қилинади.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари бўйича ижарага олинган ер участкалари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилинади

Ягона ер солиғини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

- ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан.

- юридик шахслар, ер участкасининг қайси қисмида томчилатиб суғоришдан фойдаланилаётган бўлса, ўша қисмида томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган ойдан бошлаб беш йил муддатга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–1731-сонли Қарори 26.03. 2012.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси қуйидагича камайтирилган:

умумий сотиш ҳажмида экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганида 30 фоизга;

экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ бўлганида — 2 маротаба.

2016 йил 1 январга қадар республикадаги ўз маҳсулоти ҳажмининг, жумладан ярим тайёр маҳсулотларининг (калава, газлама, трикотаж газлама ва пахта йигириш чиқиндилари) 80 фоизи ва ундан ортиғини эркин алмаштириладиган валютага сотадиган тўқимачилик саноати корхоналари мулк солиғи тўлашдан озод қилинган.

Товарларни экспорт қилишда тўланадиган божхона расмийлаштируви йиғимларининг амалдаги ставкасига қараганда ўртача 2 маротабага камайтирилган янги ставкалари тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 апрель 2012 йилдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–4434-сонли Фаромони

- 300 минг АҚШ долларидан-3 миллион АҚШ долларигача – 3 йил муддатга;

- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача – 5 йил муддатга;

- 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга


даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, экология солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамгармасига мажбурий ажратмалар тулашдан озод қилинади.

**Микрофирмалар ва кичик корхоналар(савдо ва умумий
овқатланиш корхоналаридан ташқари) учун ягона
солиқ тўлови ставкалари, %**

№	Тўловчилар	
1.	Саноат соҳасидаги корхоналар	5
2.	Компьютер дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш умумий ҳажмининг камида 80 фоизини ташкил этадиган корхоналар	5
3.	Божхона расмийлаштируви бўйича хизматларни кўрсатувчи юридик шахслар (божхона брокерлари)	6
4	Қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширувчи корхоналар	13
5.	Ломбардлар	28

6.	Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи корхоналар	30
7.	Тайёрлов ташкилотлари, брокерлик идоралари (8-бандда кўрсатилганларидан ташқари), шунингдек, воситачилик, топшириқ ва бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи корхоналар	28
8.	Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини сотиш учун турғун савдо шохобчаларини ижарага беришга ихтисослашган корхоналар (ижарага беришдан олинган даромадлар 60 фоиздан кўпни ташкил этса)	30

4. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ахборот билан таъминлашни ташкил этиш



Ахборот манбалари қуйидагилардан иборат:

- йиллик статистик маълумотлар;
- корхона (фирма) ҳисоботлари;
- тадбиркорлар уюшмаси ахборотлари;
- тармоқлар ахборотлари;
- биржа ахборотлари;
- банк ахборотлари;
- маълумотлар тўпламлари;
- проспектлар, каталоглар;
- акция курслари жадваллари;
- корхона раҳбарияти мажлислари баённомалари;
- ахборот-аналитик бюллетенлари;
- махсус китоб ва журналлар;